

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

ВАЗИРЛИГИ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

“ЎЗБЕК АДАБИЁТИ” КАФЕДРАСИ

Ўзбек адабиёти фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу; ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ «БОБУРНОМА»АСАРИДА
ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАЛҚИНИ**

**Бажарди: ОЧИЛОВА Мафтуна,
3 курс талабаси**

**Илмий раҳбар: ҚУВОНОВ Зариф
“Ўзбек адабиёти” кафедрасининг катта ўқитувчиси**

Навоий --- 2011

**Мавзу: Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»асарида тарихий
шахслар талқини**

Режа:

1.КИРИШ

I-БОБ. ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БОБУРНИНГ «БОБУРНОМА» АСАРИ
ТАРИХИЙ АСАР

II-боб. 2- БОБ. «БОБУРНОМА»ДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАЛҚИНИ

2. ХУЛОСА

3.Фойдаланилган адабиётлар руйхати

КИРИШ

Маънавият – мангу сарчашма. Бу сарчашма бевосита рухни, инсон руҳини озиклантиради, унга ҳаёт завқини солади. Аслида инсон фарзанди кўз очиб дунёни кўрганидан то кўз юмиб дунёни тарк этгунига қадар ҳар лаҳзада ҳаётга ташна бўлиб, маънавий руҳий озукқа муштоқ бўлиб яшайди. Ҳаёт эса аслида, адабий гўзалликдан, завқу сурурдан, демакки, мангу маънавий руҳий озукдан иборат.

Бугунги кунда ота- боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Бугун, биз, аجدодларимиз ҳақида хорижда яратилган илмий-тарихий ва адабий асарлари билан бевосита танишиш имконига эга бўлдик. Улар орасида Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Буюк маънавият ва шарқона одоб-ахлоқ тимсоли” бўлган бобоколониимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва у асос солган сулола вакиллари салтанати тарих олдида буюк аҳамият касб этади

Бугунги кунда насл-насабимизни эшлаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажакимизни қураётган бир вақтда катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг шеъримиз осмонида Бобур Мирзо сўзи бор, ижоди маънавиятимизнинг бир бўлагидир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек муносиб фарзандлари бўлган миллат янги – янги ғояларни яратишга қодирдир. Юртбошимиз ўринли баҳо берганидек: «Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий ғуруридир».¹

Бобур ижодини ўрганар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўламиз. Бу улуғ инсоннинг жавоҳир хазинаси биз ўзбекларнинг бошимизни сарбаланд, қаддимизни тик қилиб юришга ундайди. Халқимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Аммо аجدодларимизнинг, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавият ва инсонийликни қайта тиклаш учун хизмат қиладиган моддий ва маънавий ёдгорликларини қидириб топиш, уларни халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида сафарбар қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент. 1996. 158-бет

Ўзбек адабиётшунослигида Бобур шеърият ва унинг бадиий нафосати, «Бобурнома» асари қатор тадқиқотларда ўрганилган.² Бу борада эндиги амалга оширилиши муҳим вазифалар ҳам талайгина. Негаки, Бобур шеъриятининг ҳамда «Бобурнома»нинг бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаш, ўқувчилар қалбига етказиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Халқда улуғ бир нақл бор: “Қатрада қуёш акс этади”. Дарҳақиқат, шундай. Қатрада қуёшнинг, демакки, нурлар оламининг акси бор, жилваси бор. У бир қатра ! Аммо бу муъжиза шундаки, унда оламнинг гузаллиги, нафосати, биллурлиги, шаффофлиги, шу билан бирга, маъсуллиги мужассамлашган. Бани башар қанчалик мадҳ этиб, қанчалик ва қандай талқин қилинмасин бод-бод оддий ҳақиқатга – қатрага қайтаверади. Унинг ақли ва руҳи доимий равишда оддий ҳақиқатдан хайратлар оламига кучиб, ундан яна улуғ аслиятга – оддий ҳаёт ҳақиқатига келаверади. Бу мангуликка дахлдор ҳақиқат. Инсон ана шу ҳақиқат қаршисида – қатрадаги илоҳий мужда қошида лол ва ожиз қолаверади.....

Улуғ бобоколониимиз, мислсиз сўз санъаткори ва салоҳият соҳиби Заҳририддин Муҳаммад Бобур маънавиятимиз султони, сарваридир. Унинг ижодий меросини, хусусан, “Бобурнома” ва ҳатто кичик шеърий мисраларнинг гуё қатрага мисол келтиришимиз мумкин.

Зеро, санъткор шоир шеъриятида ҳам ўзида мунаввар оламини, унинг ҳадсиз – ҳудудсиз сир – у синоатларини мужассам этган қатрага хос хосса, муъжиза бор. Бинобарин, биз, уни қанчалик мутолааа этмайлик, унинг янги – янги қирралари инсорни ақлини хайратга. Руҳини туйғулар оламига тўлдирувчи фазилатлари очилаверади.

Умуман айтганда, Заҳририддин Муҳаммад Бобур машаққатли ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳозирги кун ёшларига ибрат бўлмоғи лозим. Маънавиятимиз сарвари бўлган бу улуғ зот мансуб бўлган миллат фарзандлари

² Қаранг: А.Абдугафуров. Навоий ва Бобур (Буюк бешлик сабоқлари)-Тошкент, 1998; И.Хаққулов. Шеърият- рухий муносабат. Тошкент, 1986; И.Хаққулов. Абадият фарзандлари.Тошкент, 1987; Зоҳидов.В. Ўзбек адабиёти тарихидан – Т, 1961; Нуриддинов.М . Бобурийлар сулоласи – Т : «Фан», 1974; В.Раҳмонов. Шеърий санъатлар // «Ёзувчи»газетаси, 2003 йил, декабрь; Н.Жумахужа. Ўзбек адабиёти // 10-синф учун дарслик. Тошкент 2001; Р.Воҳидов . Биз билган ва билмаган Бобур. Тошкент, 2001; Т.Хужаев. Ўзбек адабиёти тарихи (Маърузалар манти)-Навоий -2005; Абдуллаева М. «Бобурнома»ва «Шажараи турк»нинг қиёсий поэтикаси. Тошкент, 2002; Қодиров П. Юлдузли тунлар.Тошкент, 1981.; Қудратуллаев Х. «Бобурнома»ва тарих.// Тафаккур 2001, 6-сон.

эканимизни, томиримизда Бобур шижоати жўш ўраётганини ҳар биримиз ўйласак, англасак, қалбимизни чинаккам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Бобур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси – Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир. Зотан, бу қадрият бугунги кунда ҳам, бундан кейин ҳам биз учун, авлодларимиз учун бирдек қадрли бўлиб қолажак.

I-БОБ. ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БОБУРНИНГ «БОБУРНОМА» АСАРИ ТАРИХИЙ АСАР

"Бу мемуарда буюк турк подшосининг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг шахсий хис-туйғулари ҳар қандай муболагадан, пардадан ҳоли, унинг услуби оддий ва мардона»....

(Элфинистон)

Захириддин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби, саркарда, шу билан бирга истеъдодли шоир, адиб, донишманд тарихчи, заковатли олимдир.

Бобур жуда мураккаб ҳаёт, кура шва ижодий фаолият йўлини кечиб ўтди. У инқирозга юз тутган Темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борди. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермади. Шайбонийхондан қаттиқ шикаст еган Бобур Афғонистонга қараб йўл олди. У Афғонистонни, кейинчалик эса Ҳиндистонни эгаллаб олди ва катта империяни вужудга келтирди.

Бобур йирик маданият арбобидир. У мамлакатдаги ўзаро феодал курашларга ва ўзининг кўп урушларда бўлганлигига қарамай, болалик чоғларидаёқ форс ва араб тилларини мукаммал ўрганади, адабиёт, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, музыка ва бошқа соҳалар билан шуғулланади. Ҳар томонлама кенг ва чуқур билимга эга бўлган маданиятли ва маърифатпарвар бир киши бўлиб етишади. Бобир адабиёт, санъат, тарих ва илм фаннинг турли

соҳаларида жуда қимматли асарлар яратади. Унинг лирик девонлари, «Бобирнома» си, арузага доир рисоласи, «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», «Муסיқий илми» ва бошқа асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлар ўзбек адабий тили, адабиёти ва илм фанининг равнақ топишига бебаҳо ҳисса қўшди.

Бобурнинг илм адабий мероси ҳозир ҳам ўзининг маълум тарихий – маърифий, илм ва эстетик қимматини сақлаб келмоқда. Унинг «Бобурнома» си жаҳон маданиятининг нодир ёдгорликларидан биридир.

«Бобурнома» мемуарлар (эсталиклар) тўпламидир. Бу тарихий бадиий асар 1494-1529 йиллардаги воқеаларни, Моварауннаҳр, Хуросон, Авғонистон ва Ҳиндистонда рўй берган ва кўпида бевосита Бобурнинг ўзи иштирок этган ўзаро феодал урушларни ўз ичига олади. Бобур сиёсий фаолиятининг даслабки йилларидан бошлаб ўз саргузаштлари турли хил тарихий воқеаларини хотира дафтари акс эттириб борган ва кейинчалик манна шу хотира дафтари «Бобурнома» ни яратишга асос бўлиб хизмат қилган. Бобурнинг «Бобурнома» ни қачон ёзишга киришгани маълум эмас. Бироқ асарнинг айрим ўринлари унинг кўпроқ қисми Ҳиндистонда ёзилгани ёки қайти тахрир қилганини кўрсатади. Масалан, «Бобурнома» автори 909 (1503-1504) йил авғонистон воқеалари ҳақида сўзлар экан Ҳиндистонда Иброҳим Лўдийни енганини ҳам гапиради. Бу Бобурнинг 909 йил воқеаларини Ҳиндистонда ёзгани ёки аввалги ёзганларини тахрир қилганини кўрсатади. Бобур бу асарни умрининг охирида, 1529-1530 йилларда тугатди.

Бобурдан қолган мерос ичида "Бобурнома" алоҳида аҳамиятга молик асардир. Бобур ўз ҳаёт йўлини 1494 йилдан бошлаб, 1529 йилгача бўлган даврни йилма - йил изчиллик билан ёритиб берган. Умр варағини йилма - йил баён этган Бобур 16 йиллик воқеаларни ёзмаслиги мумкин эмас эди. Суронли йиллар Бобур асарини тўлиқ етиб келишига имкон бермагандир.

Афтидан, Бобур кундалик дафтар тутиб, энг муҳим воқеаларни қайд этиб борган, Ҳиндистонда уларни қайта ишлаб, "Бобурнома" шаклига солган. Асарнинг 10 дан ортиқ қўлёзмалари етиб келган. XVII-XVIII асрларда кўчирилган нусхалар Ленинград, Калкутта, Агра, Ҳайдаробод, Манчестр, Лондон, Эдинбург каби шаҳарларда сақланади.

Кўлёмаларда асар номи "Бобурия", "Воқеанома", "Тузуки Бобурий", "Воқеоти Бобурий", "Бобурнома" каби номланган. Бобурнинг ўзи асарини "Воқеанома" деб атаган. "Бобурнома"да шундай рубоий бор:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдим.
Ҳар ким бу "Воқое"ни ўқир билгайким,
Не ранжу не меҳнату не зам кўрдим.*

Иккинчидан эса, Гулбаданбегим "Хумоюннома" китобида отаси асарини "Воқеанома" деб атайди. 1857 йилда Н.Ильминский асарини Қозонда нашр эттирди. Уни "Бобурнома" деб атади. 1905 йили инглиз олимаси А.Бервериж хоним Хайдарободдан топилган нусханинг фотокопиясини нашр эттирди. Туркияда "Бобурнома" 2 жилдан иборат қилиб нашр этилган бўлиб, унда "Бобурнома"да акс этмаган 16 йиллик воқеалар бошқа тарихий китоблар асосида тўлдирилиб, асарга киритилган.

Шўролар даврида асардан олинган парчалар турли тўплам, хрестоматияларга киритилса-да, асар тўлалигича анча кеч нашр этилди. 1948 йили П.Шамсиев, С.Мирзаевлар асарни 2 жилддан иборат қилиб нашр этдилар. 1957 йили асар рус тилида нашр этилди. 1958 йили "Бобурнома" ўзбек тилида нашр этилди.

Нашрлар ичида энг мукаммали 1960 йилги нашри саналади. "Бобурнома" асари жаҳон тилларига таржима қилинди. 1590 йили Акбарнинг буйруғи билан Абдурахимхон томонидан форс тилига таржима қилинди. 1705 йили Витсен Голланд тилига, 1876 йили Джон Лейден, В.Эрскиллар инглиз тилига таржима қилдилар. 1876 йили Кайзер немис тилига, 1844 йили Калдокот инглиз тилига таржима қилдилар. 1871 йили Пево де Куртейл асарини француз тилига таржима қилди. Рус таржимонлари: Поляков (1904), Петров (1939) лар асарни таржима қилган бўлсаларда, энг яхши таржима М.Солье (1958) қаламига мансуб.

Бобурнома"ни ўрганишда ўзбек олимлари Х.Хасанов, В.Зоҳидов, П.Шамсиев, С.Жамолов, С.Назарова, С.Жалилов, С.Азимжонова, Б.Валихужаев, Х.Қудратуллаев, Р.Шамсутдинов каби олимлар катта ишлар қилдилар.

"Бобурнома" асари фаннинг турли соҳаларига кенг маълумот берувчи асардир. Бу асар, энг аввало, бадиий асар сифатида, ўзбек нашрининг гўзал намунаси сифатида қаралмоғи зарурдир. "Бобурнома" эпик турнинг мемуар жанрига мансуб асардир.

Композицион пухталиқ, ўткир сюжет, кучли характерлар, бадиий бўёқнинг сержило экани китобхонни ўзига жалб этади. Сюжет йўналишдаги воқеа ичига воқеа киритиш, воқеани қизиқ жойида тўхтатиб, бошқа воқеалар тафсилотларини бериш, сюжет таракқиётини пухта далиллаш сингари фазилятлар иборатлидир. "Бобурнома" тарихий фактлар асосида бадиий сюжет яратишнинг ибратли намунаси. Асарда бир дунё тимсоллар берилган бўлиб, муаллиф уларнинг кўпларини характер даражасига олиб чиқиб, мукамал тасвирлайди.

Умаршайх, Ҳусайн Бойқаро, Навоий, Шайбоний сингари характерлар китобхонда катта кизиқиш уйғотади. Асарнинг бош қаҳрамони Бобурнинг ўзидир. Унинг гўзал характери асарда тўла қонли ўз ифодасини топган.

"Бобурнома"да бирор воқеа ҳақида сўз борар экан, аввало, воқеа кечадиган жой ҳақида атрофлича, чуқур маълумотлар берилади. Жойнинг жўғрофий ўрни, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси, иқлими, одамларнинг яшаш тарзи сингари масалалар изчил ёритилган. Асар билан танишар эканмиз. Андижон, Самарқанд, Қобул, Агра сингари шаҳарларнинг XVI аср ҳолати ҳақида батафсил маълумотларга эга бўламиз.

«Бобурнома»да илм-фан, санъат ва адабиёт ахллариға ҳам катта урин берилган. Бобур Навоий, Жомий, Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Дилолий, Сайфи Бухорий, Мир Ҳусайн Муаммой, Шайхим Сухайлий, Юсуф Бадеий, Аҳмад Хожибек, Беҳзод, Султон Али, Хожа Абдулло Марворий, Музаффар, Ғулом Шодий, Ҳусайн Удий ва бошқа бир қатор шоирлар ва санъаткорлар ҳақида маълумот беради, уларни мактайди, асарларидан намуналар келтиради ва баъзан ҳаёти, фаолияти ёки шахсий сифатлари ҳақида қизиқарли фактлар сузлайди. «Бобурнома» бу кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини урганишда, уларнинг маданий ҳаётдаги урнини белгилашда жуда аҳамиятлидир. Масалан, Бобур улур ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳақида «Алишербек назири йуқ киши эди. Туркий тил била

то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча куп ва хуб айтқон эмас», деб ёзади, Навоийнинг асарларини таърифлайди, унинг илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомийлигини алоҳида қайд қилиб: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо булмиш булғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг (Навоийнинг) тарбият ва тақвияти била мунча ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шох Музаффар тасвирда (рассомликда) бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф булдилар» дейди. Навоийнинг бинокорлик соҳасидаги фаолиятини таъкидлаб, «мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоада муваффақ булмиш булғай» дейди ҳамда Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан унинг уғиллари уртасидаги ихтилофларни бартараф қлишда донишмандлик ва тадиркорлик билан олиб борган ишларини баён этади.

Масалан, Беҳзод ҳақида сузлар экан, «Мусаввирлардин Беҳзод эди, мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Вале сақолсиз элнинг чехрасини ёмон очадур. Рагабини куп улуг тортадур. Сарқоллик кишини яхши чехрали, кушойлик қиладур» дейди.³

Бобир бир қатор тарихий персонажларнинг бирор энг муҳим хусусияти ёки хислатини тасвирлаш билан ҳам китобхоннинг куз ўнгида турли-туман кишиларни гавдалантиришга эришади. Масалан, у Муллозода Мулло Усмон ҳақида сузлаб, «Улугбек мирзо замонида ун турт ёшида дарс айтғони учун, Мулло Модарзод дерлар экандурлар,.. Андин манқулдур: дер эрмиш, киши бир ниманиким эшитти, Яна нечук унутар. Қавий ҳофизаси бор экандур»⁴ деб, ёш тиришқоқ ва хотираси уткир бир олимни гавдалантиради; «... агар икки хариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, Яна бирининг этагини тутуб ўлтурур экандурким, кетмагай деб» уста ва ишқибоз шахматчи Мир Мумтозни тасвирлайди; шунингдек, икки қўллаб , балки бутун вужуди Билан шахмат уйновчи Зуннунни; Ўш тасвирида тоғ тарафидан оқувчи бир ариқ ҳақида сузлар экан, «Ўш авбошининг зарофати будурким хар Ким анда

³ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, «Юлдузча»нашриёти, 1989, 97-бет

⁴ Ўша асар, 221-бет

уйқуласа ул жўйдан сув қуярлар»деб Ўшнинг ҳазилкаш, шўх йигитларини гавдалантиради.

Масалан, Андижон шахри таърифи билан танишамиз, Ўш шахри билан ораси 16 чақирим экани, хавосининг "уффанати" борлиги, кузда безгак кўп бўлиши, шаҳарга 9 тарнов сув кириши, деҳқонлар полиз бошида қовун сотмаслиги, ов қушлари семиз бўлиши каби маълумотларни оламиз.

Жой ҳақидаги маълумотдан сўнг воқеа иштирокчилари ҳақида маълумот беради. Бунда ўша шахснинг насл - насаби, феъл - атвори, шакл - шамойили, ахли - аёли, ўғил - қизлари, мансаб ва уришлари сингари маълумотлар берилади.

Бу ўринда шуни такидлаш керакки, Бобур тарихий воқеалар тасвирида ҳолис бўлишга ҳаракат қилади. Отаси ҳақида бор маълумотларни берар экан, унинг кабутарга ишқивозлиги, гоҳ - гоҳ чоғир мажлиси қилиши, ҳатто қимор ўйнашигача тўғри ёзади. "Бобурнома"да аксар ўринларда Бобур ҳолис турса-да, баъзан ҳолисликдан чекинган ўринлар ҳам йўқ эмас. Гап Бобур шахсига, унинг тахтига дахлдор масалаларда бу ҳол кўзга ташланади. Масалан, Абу Сайид томонидан Навоийнинг Самарқандга сургун қилинишини ёзар экан, бунинг сабабларини ошқора айтмайди: "Билмам не жарима биландурким Абу Саид Мирзо Алишерни Хиридин Самарқандга ихрож қилди".

Ёки Самарқандни Шайбонийга топшириб чиқишни ёзганда, опаси Хонзодабегимни Шайбонийга хотинликка бериб чиққанини ёзмайди.

"Бобурнома" Мирхонднинг, "Равзот - ус сафо", Хондамирнинг "Хабиб - ус сияр", Мухаммад Ҳайдарнинг "Тарихий Рашидий" асарларига қиёс қилинса, тарихий фактларнинг мўллиги, ҳолислик, воқеаларни йилма-йил изчиллик билан берилиши, тилнинг соддалиги, муқаддиманинг йўқлиги каби фазилатлари билан ажралиб туради.

2- БОБ. «БОБУРНОМА»ДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАЛҚИНИ

Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома»асари тарихий-адабий манба сифатида Яна шуниси Билан эътиборлики, асарда куплаб тарихий шахслар, адабиёт ва санъат ахллари, дин пешволари , шох ва шахзодалар , беклар, амиру умаролар хақида маълумотлар учрайди.

«Бобурнома» да бир неча юз тарихий шахслар, уларнинг фаолияти ва саргузаштлари тасвир этилади. Булар шохлар, вилоят ҳокимлари, амир-амалдорлар, Аскар бошлиқлари, дин ва намоёндалари, аскарлар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳиллари, деҳқонлар, хунармандлар, қулар, в бошқа ижтимоий гуруҳдаги лавозим ва касбкордаги кишилардир. Бобур буларнинг тасвирланаётган воқеалардаги ролига қараб бирлари ҳақида кенг ва батафсил сўзлайди, иккинчи бирлари ҳақида қисқа маълумот беради, бошқа бирларини бирон муносабат билан тилга олади ёки эслаб ўтади. У воқеаларнинг ривожиди муҳимроқ ўрин тутган Умаршайх Мирзо, Хусайн Байқаро, Султон Аҳмад Мирзо, Хисравшоҳ каби тарихий шахсларнинг фаолияти ва саргузаштларини баён этиш билан бирга, уларнинг шакл – шамойили, насл-насаби, маънавий қиёфаси, хислати, хулқ-атвори, кишиларга муносабати, маъданий савияси ва бошқа жиҳатларни ҳам тасвирлайди.

«Бобурнома» да илм фан, санъат ва адабиёт аҳилларига катта ўрин берилган. Бобир Навоий, Жомий, Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Ҳилолий, Сайфи бухорий, Мир Хусайн Муаммоний, Шайхим Сухайли, Юсуф Бадений, Аҳмад Ҳожибек, Бехзод, Султон Али, Ҳожа Абдулло Марворий, Шох Музаффар, Ғулом Шодий, Хусайн Уддий каби бир қатор шоирлар ва санъткорлар ҳақида маълумот беради, уларни мактайди, асарларидан намуналар келтиради, баъзан ҳаёти, фаолияти ёки шахсий сифатлари ҳақида қизиқарли фактлар сўзлайди. «Бобурнома» бу кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда, уларнинг маданий ҳаётидаги ўрнини белгилашда жуда аҳамиятлидир. Натижада биз Бобур замонида яшаган ва тарихимиз, маънавиятимизда муҳим мавқега эга бўлган давлат ва маданият арбоблари билан ҳам танишамиз. Асарда ҳар бир йил воқеалари алоҳида берилади. Бу каби қимматли маълумотлар ва келтирилган мулоҳазаларнинг ҳаммаси тарих учун муҳимдир. Демак бундан кўриниб турибдики, «Бобурнома» XV асрнинг сўнгги XVI асрнинг биринчи чорагида мазкур уч минтақада кечган воқеаларни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Асар юзасидан тадқиқот олиб борган М.Абдуллаеванинг маълумотига кура «Бобурнома»да ҳаммаси булиб 1540 нафар киши номлари тилаг олинган булиб, шундан 357 нафари Мовароуннахрлик тарихий шахсларнинг номларидир.

Колган кисми эса турлои даврда , турли мамлакатларда яшаган тарихий шахслар номидир.⁵

Асарда Бобур тарихий воқеаларни баён этиш билангина чекланмайди, балки воқеалар содир бўлаётган шароит манзарасини, тарихий шахсларнинг қиёфаси ва хулқини, табиат лавҳаларини батафсил тасвирлайди, турли саргузаштлар, ривоят ва латифаларни жозибадор бадиий услубда хикоя қилади, асарни шеърӣ парчалар, халқ мақоллари ва хикматлари билан ороста қилади, анвои бадиий усуллар ва тил санъатидан фойдаланади. «Бобурнома»дан олинган «Алишер Навоӣ таърифи», «Андижон тасвири», «Самарканд тасвири» бунга ёрқин мисол бўла олади.

«Бобурнома»да бир неча юзлаб тарихий шахсларга тавсиф берилади, уларнинг фаолияти, саргузаштлари тасвирланади. Булар шохлар, ҳокимлар, амалдорлар, лашкарбошилар, дин-шариат арбоблари, аскарлар, олимлар, шоирлар, санъаткорлар, турли меҳнатқаш табақаларнинг вакиллари ва ҳоказолардир. Булар жамиятда тутган урни, қараш ва манфаатлари, сиёсий маслағи, хулқ-атвори, хатти-харакати турлича одамлардир. Бобур воқеалар иштирокчиларини тасвирлаётганда мана шу жиҳатларнинг ҳаммасига эътибор беради, одамларнинг такрорланмас, факат уларнинг узиғина хос хусусиятларини танлаб олади, тарихий ҳақиқатга тула риоя қилган ҳолда қалам суради, ғоят ишонарли реал қиёфалар яратади.

Бобур тарихий шахсларга, хатто узиға душман қишиларга ҳам бегараз муносабатда бўлади, улар ҳақида холис маълумот беради, фаолиятлари ва феъл-атворларидаги қамчиликларни ҳалол қурса-тади. Мухими шундаки, у тарихий шахсларга мамлакат таракқиети, ободончилик ишларида, фан, адабиёт ва санъатни янада ривожлантиришда қурсатган хизматларига қараб баҳо беради.

«Бобурнома»да илм-фан, санъат, адабиёт аҳли хусусида кенг фикр юритилган. Қитоб муаллифи Алишер Навоӣ, Жомӣ, Биноӣ, Муҳаммад Солиҳ, Хилолий, Сайфи Бухорӣ, Мир Х,усайн Муаммоӣ, Шайхимбек Сухайлий, Аҳмад Ҳожибек, Бехзод, Шох Музаффар, Гулом Шодӣ, **Хусайн** Удий қабӣ шоиру санъаткорлар ҳақида маълумотлар беради, асарларидан **намуналар** келтиради, уларнинг ҳаёти, фаолияти, хулқ-атвори ҳақида диққатга молик тафсилотларни хикоя қилади. Чунончи, Бобур улуг шоир ва донишманд Алишер Навоӣ ҳақида

⁵ Абдуллаева М. «Бобурнома»ва «Шажараи турк»нинг қиёсий поэтикаси. Тошкент, 2002.68-бет.

сузлаганда унинг беназир шоирлигини таъкидлаб, туркий (узбек) тилда шеърни ҳеч ким унчалик қуп ва яхши ёзмаганлигини, шунингдек илм-фан, санъат ва адабиёт ахлига ҳеч ким Навоийчалик гамхур ва мураббий эмаслигини алоҳида қайд қилади.

Хирот хақида гапирганда бу ерда юзага келган адабий муҳит ва унга хомийлар номлари бирма-бир тилга олиб утилади. Маълумки, муҳитни, бу адабий муҳит вакиллари эришган улкан муваффақиятларни Навоийсиз, унинг хизматларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бобур Навоийнинг бинокорлик ва ободончилик соҳасидаги фаолиятини, Хусайн Бойқаро билан уриллари орасидаги зидди-ятларни бартараф этишдаги тадбирларини баён этади.

Асарда бирор тарихий воқеа баёнидан олдин ёки баён жараёнида чекинилиб, шу воқеа юз бераётган жой тасвирланади. Натижада укувчи назарида Бобур замонидаги Мовароуннахр, Хуросон, Афронистон, Хиндистон улқалари, улардаги қуплаб вилоятлар, шаҳар ва кишлокларнинг тугал манзараси: ер-сув ва тору чуллари, дала-даштлари, бор-роғлари, экинзорлар, обу хавоси, набототи, одамлари, қабила ва халқларнинг урф-одати, турмуш тарзи, қийиниши, овқатлари, тили, шевашигача намоён булади. Бинобарин, бундай уринларда Бобур нафакат истеъдодли шоир ва ёзувчи, айни пайтда синчков ва билимдон олим, жугроф, этнограф, табиатшунос, тилшунос, санъатшунос сифатида ҳам қуринади. Санъаткор адиб жойлар тасвирида кичик тафсилотларни ҳам эътибордан қочирмайди, вилоятлар, шаҳар-кишлок,-лар манзарасини гавдалантирувчи гузал реалистик лавҳалар қизади. Андижон, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар тасвири бунга ёрқин мисолдир. Бобур 1494 йил воқеаларини, отасининг ҳалокати ва унинг уриига узининг тахтга утириши, амакиси Султон Аҳмад Мирзо ва тоғаси Маҳмудхоннинг (қайната-қуёвнинг) Бобур устига қушин тортиши, бироқ ёш ҳукмдордан шикоят еб, сулҳ тузишга мажбур бўлишларини ҳикоя қилишдан олдин Фарғона беклиги ва унинг етти шаҳрини тасвирлайди. Вилоятнинг энг катта шаҳри ва пойтахти — Андижон тасвири ҲОЯТ ЖОНЛИ ва бадиий тасвир воситаларига бойдир. Тасвирда Андижоннинг журрофий урни, чегаралари, ралласи мул, меваларга бойлиги, айникса қовуни ва узуми яхши бўлиши, қовун пиширида қолиб бошида қовун сотиш раем эмаслиги, шаҳар дарвозалари, шаҳарга туккиз ариқдан сув қириб, бирон ердан қикиб қетмаслиги, қалъанинг атрофи бутқул маҳаллалар билан уралганлиги, қалъани муҳофаза этувчи сув тулдирилган айлана хандак билан

махаллалар орасида кенг тош йул тушганлиги, ов кушлари куп ва семиз булиши ва хоказолар хакида жуда содда, мазмунли хикоя килинади. Шахар халки турклиги, шахар ва бозорда туркий тилни билмайдиган киши йуклиги, ахоли лахжасининг адабий тилга уйрунлиги, Мир Алишер Навоий асарларининг Хиротда шухрат козонганлигининг сабаби хам уларнинг турк тилида ёзилганляги хусусида Бобур узгача бир ифтихор билан сузлайди.

БОБУР НАВОИЙ ХАКИДА

Бобур Навоий билан учрашмаган булса-да, лекин ёшлигидан унинг шахсига ва ижодига катта меҳр-мухаобат билан тарбия топган. Чунки хижрий 80-чи йиилларда Навоийнинг шухрати жуда кенг микёсда ёйилган эди. Бобур тугилган 1483 йилда Навоий уз «Хамса»си-ни езишга киришган, такдир 1494 йили тахт бериб, 1498 йили Самарканддай мукаддас пойтахтни кулга киритганида улуғ шоир тартиб берган «Хазойин ул-маоний» даги шеърлар довруги бутун туркий дунёга ёйилган эди.

Айни паитда, Навоий ҳам темурийзодаларни синчиклаб кузатиб борган куринади. Акс холда у Самаркандга Бобурга мактуб йулламаган буларди

Бобур Навоий ҳакида маълумот берганида, куйидаги масалаларга тухтайди:

1. Навоийнинг келиб чиқиши, темурийлар сулоласига дахлдорлик даражаси: «... беги (темурийзода) эмас эди, балки мусоҳиби (суҳбатдоши, яқини) эди».
2. Хусайн Бойкаро билан муносабатлари: «кичиклигида ҳаммақтаб экандурлар, хусусият бисёр экандур».
3. Абусаид ва Навоий муносабатлари, шоирнинг Самаркандга бориш сабаблари: «Билмон не жарима била Султон Абу Сайд Мирзо Хиридин ихрож (сургун) килди».
4. Навоий ижодига, шахсига баҳо: «Алишербек назирини йук киши эди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча куб ва хуб айтқон эмас».
5. Навоий ижоди, бадий, илмий асарлари, мусиқага муносабати: «... Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур».
6. Навоийнинг феъли — табиати: «Алишербекнинг мизожи нозук била машғулдур».

7. Навоийнинг турмуш тарзи: «Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йук,, оламни тавре фард (ёлгизлик) ва жариди (танҳоликда) уткарди...».
8. Навоийнинг илм ва ҳунар аҳлига мураббийлиги, ғамхурлиги: «Ахли фазл ва хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий (кучли ҳомий) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо булмиш булгай».
9. Навоийнинг ободончилик ишлари: «Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ булмиш булгай».
10. Навоий асарлари хақида айрим танқидий фикрлар: «Яна «Мезон ул-авзон» отлик, аруз битибтур... 24 рубоий вазнида 4 вазнида ғалат (хато) килибтур. Баъзи бухур (бахрлар)нинг авзон (вазнлар)ида ҳам янгилибтур, арузга мутаважжих бўлгон (дуч келган) кишига маълум булгусидур».

«Бобурнома»да Ҳусайн Бойқаро тимсоли

Захириддин Бобур темурийлардан Ҳусайн Бойқарони уз асарида бир неча уринда тилга олади. «Бобурнома»да Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ҳар икки тарафдан — ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам темурийзода «карим ут тарафайн» (икки тарафлама улуғ) эканидан тортиб, шаклу шамойилигача, ахли-атворидан фарзандларигача тухтайди. Чунончи, шакл ва шамойили: «... қийиқ кўзлук, шерандом буйлук киши эди. Белидин қуйи ингичка эди...».

Ахлоқ, ва атвори: «... мафосил (ревматизм) заҳмати жихатидин намоз қила олмас эди. Харроф (улфат) ва хушхулқ киши эди... сузи ҳам хулқидек эди... Бир қатла (марта) бир ўғли бир кишини ултурган учун... дорул қазога йиборди¹.

... Шужоъ (шижоатли) ва мардона киши эди. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн Мирзоча қилич чопмиш булгай.

Табъи назми (шеърӣ истеъдоди) бор эди. Девон ҳам тартиб килур эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Ҳусайний. Мирзонинг девони тамом бир вазндадур...».

Захириддин Мухаммад Бобур «Бобурнома»да Мовароуннахрлик 22 нафар амир ва амирзодалар номи, улар хақида маълумотлар келтирганлиги Билан характерлидир. Булар жумласига Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Султон Мухаммад, невараси Султон Абусаид, унинг уғиллари Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Султон Мухаммад, Умаршайх Мирзо; кейинги авлод амирзодалари Султон Маъсуд, Бойсунғур, Султон Али, Султон Ҳусайн, Султон Вайс, Бобур Мирзо, Носир Мирзо, Жаҳонгир Мирзо ҳамда Шохруҳ Мирзо авлодидан Мирзо Улуғбек, Мирзо

Абдулатиф. Султон Абдулло Мирзо, Манучеҳр мирзо ва унинг ўғли Малик Муҳаммад Мирзо Лар ҳақида маълумотларни курсатиш мумкин.

Бобур уз отаси тугрисида маълумот берае эканунинг узига хос жихатларига эътиборни каратади. Умуман олганда муаллиф кайси хукмдор ҳақида гапирса, уларнинг номини тилга олиб, «Валодат ва насаби», «шакл ва шамойили», «ахлоқ ва атвори», «масоф ва урушлари », «авлоди», каби сарлавҳалар остида улар тугрисида маълумотларни тартиб билан баён этади.

Муаллиф Умаршайх Мирзонинг «валодат ва насаби » тугрисида маълумот берар экан куйидагиларни ёзади: «Секкиз юз олтмишда Самарқандда эди.Султон Абусаид Мирзонинг туртинчи ўғли эди.Султон Аҳмад, Султон Муҳаммад, Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ мирзо Темурбекнинг учинчи ўғли эди».⁶

Шу тахлит Умар Шайх андижонлик бўлиб қолди ва унинг саккиз хотинидан уч нафар ўғли ҳамда беш қизи ҳам шу ерда туғилди. Бобурнинг ёзишига кўра, у "паст буйлуқ, тегирма соқоллик, кўба юзлуқ, танбар киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлағондин сўнг ўзини кўя берса, бисёр эдиким, боғлари узулур эди. Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди, бечин чирмаб, алоқа кўяр эдилар. Ёзлар ғайри девонда аксар мўғулий бўрк кияр эди".

Шунингдек, у барча темурийзодалар сингари илму маърифатли бўлиб, маснавий китобларни кўп ўқир, тарихга ҳам қизиқарди. Энг кўп ўқийдиган китоби "Шоҳнома" эди. Айни пайтда барча мовароуннаҳрликлар каби ҳанафий мазҳабидаги муслим, беш вақт намозни қанда қилмайдиган тақводор, эътиқодли банда ҳам бўлган. Умар Шайх бобоси соҳибқирон Амир Темурдек адолатли бўлиб, ҳар бир воқеа-ҳодисани атрофлича таҳлил этар ва шундан кейингина хулоса чиқарарди. "Бобурнома"да ибратли бир воқеа қайд этилиб ўтиладики, бу Умар Шайх Мирзонинг адолатпарварлигидан дарак беради. Кунларнинг бирида, Хитойдан Андижонга келаётган минг кишилик савдо қарвони Андижоннинг шарқий тарафидаги тоққа етганда қор кўчиб, жамики савдогарлардан фақат икки кишигина омон қолибди. Қолган бандалар эса вафот этишган. Умар Шайх мирзо мудҳиш воқеани эшитиб, у ерга одамларини юборди ва қор остида қолган мол-

⁶ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, «Юлдузча»нашриёти, 1989, 102-бет

мулкларини ҳисоблатиб, хазинага қўйдирди. Шу тахлит гарчи мазкур молларнинг эгаси топилмаса-да, уни икки йилгача омонат қилиб сақлайди. Шундан сўнггина савдогарларнинг Самарқанд ҳамда Хуросонда яқинлари топилгач, уларга омонатни топширган.

Бироқ ўша даврлар ғоят зиддиятли бўлиб, уруш ва босқинчиликлар қилиш одатий ҳолга айланиб қолган эди. Табиийки, XV асрдаги ҳолат бўйича Умар Шайх мирзо ҳам урушлар ўтказиб турган. Буни ўғли Бобур шундай изоҳлайди: "Мулкгирлик (босқинчилик) дағдағаси жихатидан кўпгина (хейли) ярашлар урушқа ва дўстлуклар душманликқа мубаддал (айланиб) кетар эди

Ана шу урушлар сабаб, гоҳ у, гоҳ бу шаҳарлар қўлдан қўлга ўтиб турарди. Дастлаб, отаси фақат водийни инъом этган бўлса, кейинчалик акаси Султон Аҳмад мирзо Тошкент ва Сайрамни ҳам унга берган. Шохруҳияни эса ҳийла ва урушлар билан итоатига киритганди. Аммо сўнгги йиллардаги урушларда Тошкент ва Шохруҳия қўлдан кетиб, Умар шайх тасарруфида фақат Фарғона водийси, Хўжанд ҳамда Ўратепа қолганди. Ана шу ҳудудларда ҳукмдорлик қилган Умар Шайх камондан отиш, кураш ва каптарбозликка қизиқар, ўйин-кулгини яхши кўрувчи, баъзида қимор ҳам ўйнайдиган киши эди. Унинг Қутлук Нигор хоним, Фотима Султон оғо, Умид оғоча, Оғо Султон, Махдум Султонбегим, Улус Оғо, Қарокўзбегим, Тун Султон исмли саккиз нафар хотинидан уч ўғил ва бешта қизи бўлган.

«Бобурнома»даги мовароуннахрлик маликалар ва шох кизлари: Эсон Давлатбегим (Бобурнинг бувиси, она томонидан), Қутлуғ Нигорхоним (Бобурнинг онаси, Юнусхоннинг қизи), Мехринигорхоним (холаси), Хўб Нигорхоним (холаси), Фотима Султонбегим (Умаршайх мирзонинг хотини), Хонзодабегим (Бобурнинг онаси), Мехрбонубегим (Бобурнинг синглиси), Шахрбонубегим (Бобурнинг синглиси), Ёдгор Султонбегим (Умаршайх Мирзонинг қизи) ва бошқа бир қанча темурийзода маликалар уларнинг наслу насаби хақида маълумотларга дуч келамиз.

«Бобурнома»даги илм –фан, адабиёт ва санъат аҳлларининг асарда учраши: Юсуф Хожа Андижоний –муסיқачи, Асириддин Ахсикантий – шоир, Ҳайдар Мирзо-шоиртабиат киши, Ҳасан Яъқуббек-шоиртабиат киши, Хожа Ҳусайнбек-қушиқ айтувчи хофиз, Аҳмад Хожибек Вафойи- Самарқанд хокими,

Дарвешбек- мусивачи, Махмуд барлос-шоир. Девон тартиб қилган, Мулло Биноий- шоир, Султон Махмуд- шоир, девон тартиб қилган, Муҳаммад Солиҳ-шоир, Муҳаммад Мискин Ҳофиз- ҳофиз, Шайхим Суҳайлий- толиби илм, шоир, Кичик Мирзо-шоир, Нурулло танбурчи- мусиқачи, Сайфий Бухорий- шоир. Бундан ташқари , Мовароуннахр ва Хуросон ижтимоий –маданий муҳитида бирдай танилган Навоий. Жомий, Осафий, Мирзо Фаррух, Комий каби шоирлар; Султон Али Машҳадий, Қулмуҳаммад Удий, Беҳзод, Ҳусайн Удий каби мусиқачи ва санъат вакиллари тилга олиниб, уларнинг барчаси батафсил таъриф ва тавсиф этилган.

ХУЛОСА

«Одамзот борки, авлод-аждоди. Ватанининг тарихини билишни истайди»,- дейди Президентимиз Ислоом Каримов. Мамлакатимиз истиқлолни қулга киритган дастлабки даврданоқ миллий маънавиятимиз, миллий узлигимизни англашга кенг имконият очилди. Биз энди утмиш тарихимизни холис урганиш ота-бобларимизнинг улуг ишларидан фахрланиш хиссини туюшни зарурий вазифамиз этиб белгиладик. Адабий ва тарихий асарларимизни чуқурроқ ва холис урганишга киришдик.

Бобур нафақат ўзбек адабиётининг балки жаҳон адабиётининг улуг номояндаларидан биридир. У улмас асарлари билан жуда қул халқларга манзур бўлиб, уларнинг мумтозсанъаткорлари каторидан урин олди ва бадиий адабиёт тараккиётига самарали таъсир этди.

Бобур урта асрнинг зиддиятли ҳаёт тулкинига дуч келди, мураккаб муҳит унинг дунёқарашида айрим жиддий зиддиятларни вужудга келтирди. Бирок, у халқ ва ватан учун, инсон ва унинг бахти саодати учун қураш йулидан чекинмади, инсонпарвар ва маърифатпавварликнинг оташин жарчиси сифатида ижод қилди, қачон бўлмасин инсониятни зулм-зурликларидан, жанггу жадаллар ситамларидан халос бўлишига, адолат ва маърифат барибир тантана қилишига қомил ишонч билан қаради.

Бобур меросининг жаҳон адабиёти ҳазинасидан муносиб урин эгаллаши, асарларининг бу бу қадар муваффақият қозониши , аввало асарларининг

ахамиятли ва афзалликларига эга, мукамал ва кулай, содда «тил» да яратилганлиги булса, яна бир жихати Бобурнинг характер хусусиятларида инсоний фазилатларнинг мужассамлиги, унинг севишга, хурмат килишга муносиб бетакрор сифатларидир.

Бевосита, Бобурнинг «Бобурнома» асари билан биргаликда, хар бир лирик мисраларида мемуарлик хусусияти, хаёт хакикати мужассам. Муаллиф хар бир шеърида бошидан кечирган воқеа-ходисаларни, бор тафсилотларини борича акс эттиради, бурттирмайди, узини идеал курсатишга уриниб, нуксонларини беркитмайди.

Бобур характерига хос хусусиятларни тарихчи олим Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи Мирзо Мухаммад Хайдар, Бобурни: «сон-саноксиз яхши фазилатларга эга эди, довураклик ва валоматликда хаммининг орасида ажралиб турарди», -деб тасвирлаган. Дархакикат, Бобур ижодини мутолаа килган киши Бобурнинг мардлиги, ишонувчанлиги, кенг калбли, бегубор табиатли, самимий хислатларга бой, Нуру таъбири билан айтганда, «дилбар шахс...» лигининг гувохи булади.

Ватан согинчи, юрт тупрогини согиниб, хижрон, дард туйиб яшагани ва бутун хаёти давомида бу огир «дард» юкини кутариб яшаш кисматини айланганини хис килиш кийин эмас. Шунингдек, тарихнинг кухна катламларига сигиб кетган манбалар, хозирда тукилиб, йук холга келган тарихий обидаларнинг урни ёки кадимий номлари, киёфаларини бугун «Бобурнома» оркали куз олдимизга кайта тиклай оламиз.

Захириддин Мухаммад Бобур мероси, инсоний олийжаноблиги, тарихий-маърифий, шу билан бирга, жуда катта ижтимоий-тарбиявий ва эстетик ахамияти билан кадрлидир. Комиллик белгиси булган-инсонпарварлик, халклар дустлиги, осойишталик ва биродарлик учун кураш гоъларини хорматолмай куйлаган Бобур, мустакил Ватанимиз тараккиётига уз хиссаларини кушадиган, кушаётган баркамол ёшларимизни тарбиялашда, тинчлик, демократик жамият куриш учун курашаётган, бир суз билан айтганда, салохиятли, кобилиятли халкимиз фарзандлари утмиш меросиз хамда уз тарихимизни урганишда дастурул амал вазифасини ўташи ажаб эмас.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йулида – Тошкент: «Узбекистон», - 1996
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йук – Тошкент: «Шарк»,- 1998
3. А.Абдугафуров. Навоий ва Бобур (Буюк бешлик сабоклари)-Тошкент, 1998
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома – Тошкент: «Юлдузча» , 1990
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон – Тошкент: « Шарк», 1996
6. Зоҳидов.В. Узбек адабиёти тарихидан – Т, 1961
7. Нуриддинов.М . Бобурийлар сулоласи – Т : «Фан», 1974
8. В.Рахмонов. Шеърий санъатлар // «Ёзувчи»газетаси, 2003йил, декабрь
9. Н.Жумахужа. Узбек адабиёти // 10-синф учун дарслик. Тошкент
10. Р.Воҳидов . Биз билган ва билмаган Бобур. Тошкент, 2001.
11. Т.Хужаев. Узбек адабиёти тарихи (Маърузалар манти)-Навоий -2005
12. Х.Умуров. Адабиёт назарияси. Тошкент. 2004.
13. Т.Бобоев. Шеър илми таълими. Тошкент «Укитувчи», 1998.